

**Термиз давлат университети
табиёт-география факультети Биология
таълим йўналиши**

**2-курс 203-гуруҳ талабаси
Қурбонов Сардорнинг
Биологик хилма-хилликни асраш
фанидан**

РЕФЕРАТ

Мавзу: Геополитик хусусиятлари - аҳолиси

Бажарди: Қурбонов Сардор

Текширди: А.Бегматов

Термиз-2014 й

Геополитик хусусиятлари - аҳолиси

Режа

1. Аҳоли динамикаси.
2. Аҳолининг жинсий, ёш ва миллий таркиби.
3. Аҳолининг ҳудудий жойлашуви ва миграцияси.
4. Урбанизация даражаси

Минтақавий иқтисодиёт фанининг асосчиларидан бири У. Айзард фикрича, у ёки бу ҳудуднинг хўжалиги мураккаб жумбоқ бўлиб, уни ечишни айнан аҳоли бўғинидан бошламоқ керак. Дарҳақиқат, аҳоли мураккаб ижтимоий-иқтисодий категориядир, у билан ишлаб чиқариш «бошдан оёқ», чамбарчас боғлиқ. Чунки, меҳнат ресурсларисиз ишлаб чиқариш бўлмайди, ишлаб чиқариш эса аҳоли учун керак: моддий ва маънавий бойликларни яратувчиси ҳам, уларни истеъмолчиси ҳам айнан ана шу аҳоли, яъни кишиларнинг маълум ҳудуддаги бирлигидир.

Ўзбекистон Республикаси аҳоли сонига кўра дунёдаги ўрта даражадага мамлакат ҳисобланади. Унинг аҳолиси, 1 январь 2006 йил маълумотлари бўйича, 26,3 млн кишини ташкил этади. Республика аҳолиси турли даврларда ҳар хил суръатлар билан ўсиб борган. Масалан, 1897 йил, яъни ўша йилда ўтказилган биринчи Умумроссия аҳоли рўйхатига кўра, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 3948 минг киши яшаган. 1913 йилда у 4331 минг кишини ташкил қилган. Биринчи Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати (1926) натижалари эса бу ерда 4620 минг кишини қайд этган. Демак, ўтган 14 йил давомида у 29 минг ёки ўртача ҳар йили 21 минг кишига яқин кўпайиб борган. Иккинчи жаҳон уруши арафасида, яъни 1939 йилда Ўзбекистон аҳолиси 6347 минг кишидан иборат бўлган ва у кейинги 1959 йил аҳоли рўйхатига кўра 8119 минг кишига етган. Ўтган 20 йил мобайнида Республика аҳолиси 1772 минг кишига ёки ўртача бир йилда 88,6 мингга кўпайиб борган.

Кўриниб турибдики, бу даврда мамлакат аҳолисининг ўсиш суръати анча тезлашган. Агар уруш ва унинг салбий демографик оқибатлари бўлмаганда, эҳтимол, Республика аҳолисининг ўсиши бундан ҳам юқорироқ бўлар эди.

Етмишинчи йилларда (1970-1979 йй..) мамлакат аҳолиси 11774 мингдан 15389 минг кишига етган; ўртача бир йиллик кўпайиш, мутлоқ кўрсаткичда 402 минг кишига, нисбий, яъни фоиз кўринишида у 3,00 фоизга тенг бўлган. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 1913-1926 йилларда 0,45 фоиз ва 1939-1959 йилларда 1,25 фоизни ташкил этган.

Собиқ Иттифоқда ўтказилган сўнгги аҳоли рўйхати Ўзбекистонда 19780 минг кишини қайд қилган. Икки аҳоли рўйхати оралиғида (1979-1989 йй..) аҳоли сонига яна 4391 минг киши қўшилган ва унинг ўртача бир йиллик кўпайиш суръати 2,55 фоизни ташкил қилган. Бу эса олдинги даврга қараганда 0,45 фоизга кам бўлган. Бинобарин, айтиш мумкинки, Ўзбекистон демографик ривожланишининг энг юқори кўрсаткичлари 70-йилларга тўғри келган.

Республика аҳолиси 1989-2000 йилларда 123,8 фоизга ўсган, бир йиллик кўпайиш 1,95 фоизни ташкил қилган (бу олдинги йиллардан янада пастроқ). Шу даврда аҳолининг ўсиш даражаси Сурхондарё ҳамда Қашқадарё вилоятларида энг юқори бўлиб, 139,2 ва 136,0 фоизни ташкил қилган. Шунингдек, бу кўрсаткич Наманган, Хоразм, Жиззах, Андижон, Самарқанд вилоятларида ҳам бирмунча юқори ва, айни вақтда Навоий, Сирдарё, Тошкент вилоятларида унинг нисбатан пастлиги кузатилади. Пойтахт Тошкент шаҳрида эса ўсиш жуда суст: бир йиллик кўпайиш атиги 0,10 фоизга тенг, холос. Аҳоли салмоғига кўра Самарқанд вилояти биринчи, Фарғонаиккинчи ва Тошкент вилояти учинчи ўринда туради. Демографик салоҳиятнинг энг паст миқдори Навоий ва Сирдарё вилоятлари. Республика ҳудудининг табиий шароити, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш имкониятларининг турли-туманлиги аҳоли жойлашувига ҳам таъсир қилади. Мамлакат бўйича аҳоли жойлашувининг ўртача зичлиги 1 км² га 55,4

кишидан иборат бўлган ҳолда у Навоий вилоятидаги 7,1 кишидан Андижон вилоятидаги 515,6 кишигача фарқ қилади (бу борадаги ички тафовут 70 мартадан зиёд).

Тарихан аҳоли мамлакатимизнинг суғориладиган воҳа ва водийларида зич жойлашган. Чунончи, бу кўрсаткич Фарғона, Наманган, Хоразм вилоятларида ҳам анча юқори. Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Навоий вилояти Ўзбекистон ҳудудининг 61,9 фоизини ташкил қилсада, бу ерда мамлакат аҳолисининг атига 9,3 фоизи яшайди; Шу боис, айнан ана шу икки маъмурий бирлик Республика аҳолиси жойлашувининг ўртача кўрсаткичига жиддий таъсир этади.

Бухоро ва Жиззах вилоятларида ҳам аҳоли зичлиги унча юқори эмас. Сурхондарё ва Қашқадарёда эса у ўртача кўрсаткичдан бирмунча юқори. Бирок, шунга қарамасдан, ҳатто бу ҳудудларнинг ҳам ички, қадимдан суғориладиган районларида (масалан, Вобкент, Шофиркон, Ғиждувон, Шаҳрисабз, Қарши, Яккабоғ туманларида) аҳоли анча зич жойлашган. Умуман олганда, Республика аҳоли жойлашуви кўп жиҳатдан гидрографик шахобчаларсуғориладиган дарё ва ирригақия иншоотлари билан белгиланади. Шу билан бирга йирик шаҳарлар, айниқса Тошкент агломерақияси доирасидаги қишлоқ туманларида ҳам аҳоли жойлашуви жуда зич (1 км² га 600700 кишини ташкил этади).

2001 йил маълумотларига биноан, Ўзбекистон Республикасининг 37,2 фоиз аҳолиси шаҳар жойларига тўғри келади. Мутлоқ рақамда у 9225,3 минг киши. Шаҳар аҳолисининг олдинги йиллардаги миқдори кўйидагича бўлган (минг киши ҳисобида): 1926 й. -1002; 1939 й. -1470; 1959 й. -2729; 1970 й. -4327; 1979 й. -6348 ва 1989 й. -8059,3 минг киши. Шаҳар аҳолисининг ўсиш суръати айниқса 7080-йилларда юқори бўлган. Бунга сабаб 1972 йилда аҳоли манзилгоҳларининг шаҳар мақомига ўтказиш учун талаб этиладиган энг кам аҳоли миқдорини 10 мингдан 7 минггача туширилиши ва бунинг оқибатида шаҳарлар сонининг ниҳоятда тез кўпайишидир (агар 1970 йилда Республикада 42 шаҳар мавжуд бўлган бўлса, 1979 йилда уларнинг сони 90 тага етган).

1989-2002 йилларда шаҳарликлар сонининг ўсиши анча сусайган. Натижада умумий урбанизация кўрсаткичи 40,7 фоиздан 37,1 фоизга тушиб қолган. Вилоятлар даражасида мазкур жараён айниқса Тошкент, Фарғона, Бухоро, Хоразмда сезиларли бўлган ва у фақат Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах ва Наманган вилоятларида бирмунча кўтарилган. Ҳозирги кунда шаҳар жойларда яшовчиларнинг нисбий миқдори бўйича Қорақалпоғистон ҳамда Тошкент ва Навоий вилоятлари олдинда туради, унинг энг паст даражаси эса Сурхондарё вилоятида кузатилади. Урбанизация жараёни ва унинг якуний кўрсаткичи одатда ҳудудлар иқтисодиётининг ихтисослашуви, шаҳар ҳосил қилувчи омилларининг мавжудлигига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан Қорақалпоғистон ва қисман Навоий вилоятида бу кўрсаткичнинг юқорилиги мазкур ҳудудлар саноат салоҳиятидан эмас, балки бу жойларда интенсив қишлоқ хўжалигини ривожлантириш шароитларининг чекланганлигидан дарак беради. Фақат пойтахт Тошкент вилоятида у ҳақиқий реал воқеликни акс эттиради, чунки бу ерда, бошқа вилоятларга қараганда, саноат тармоқлари нисбатан яхшироқ ривожланган. Минтақавий иқтисодиёт ва унинг таркибий тузилишини шаҳарлар тўри ва тизими ҳам яққол ифодалаб беради. Аксарият ҳолларда шаҳарлар сонининг кўпайишга, йирик шаҳар ва шаҳар агломерацияларининг мавжудлиги ҳудуд ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг юқорилигини кўрсатади. 2002 йил маълумотларига кўра, Республикада 120 шаҳар ва 113 шаҳарча мавжуд бўлиб, уларнинг барчасида 9300 минг атрофида аҳоли яшайди. Шаҳарлар сони бўйича Қорақалпоғистон Республикаси (12), Қашқадарё (12) ва Тошкент (16) вилоятлари ажралиб туради. Айни вақтда уларнинг тўри Жиззах, Хоразм ва Сирдарё вилоятларида яхши ривожланмаган.

Миллий ва минтақавий иқтисодиётнинг асосан қишлоқ хўжалиги ҳамда қайта ишлаш саноатига ихтисослашганлиги сабабли бу ерда кичик шаҳарлар тўри жуда кенг тарқалган. Жумладан, Республикада кичик шаҳарлар (аҳолиси 20 минг кишигача) 148 та ёки жами шаҳар манзилгоҳларининг деярли 2/3 қисмини ташкил қилади. Аммо уларда мамлакат шаҳар аҳолисининг атиги 15,1 фоизи яшайди, холос. Шунингдек, «ярим ўрта» шаҳарлар ҳам сон жиҳатидан кўп, бевосита ўрта миқёсдаги шаҳарлар эса сон жиҳатидан

анча оз; уларнинг сони 16, демографик салоҳияти эса-10,6 фоиз. Айнан ана шу бўғиндаги шаҳарлар сонининг камлиги Республикада урбанизақия жараёнининг мукамал шаклда ривожланмаганлигидан дарак беради. Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 17 та катта шаҳар мавжуд бўлиб, уларга жами шаҳар аҳолисининг 57,8 фоизи тўғри келади. Аҳоли сонига кўра Тошкентдан кейинги ўринларда Наманган, Самарқанд, Андижон, Бухоро, Нукус, Қарши шаҳарлари туради. Шунингдек, Чирчиқ, Олмалик, Ангрен, Қўқон, Марғилон шаҳарларининг ҳам ҳар бирида 100 мингдан зиёд аҳоли бор. Айни вақтда Сирдарё вилоятининг маъмурий маркази Гулистонда атиги 55,5 минг киши яшайди. Шу билан бирга йирик марказлар негизида шаҳарлар ҳудудий тизимининг мураккаб шакллари ҳам вужудга келган. Чунончи, Тошкент, Самарқанд, Фарғона-Марғилон агломерақиялари шулар жумласидандир.

Бой тарихга эга бўлган, ишлаб чиқаришнинг анъанавий, «осиёча» ёки шарқона усули қишлоқ хўжалигининг суғорма деҳқончилиги ва у билан боғлиқ шаҳарлар тўрига асосланади. Бинобарин, шарқ тарихи ва шарқ маданиятини деҳқончилик ҳамда қишлоқ ва шаҳарларнинг ажралмас бирлига, урбанизақиянинг ўзига хос йўналишисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис ҳам Республикамиз иқтисодиёти ва демографик салоҳияти кўпроқ қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ аҳолисидан ташкил топади.

Жорий маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда 11811 та қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари бор. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларининг ҳар бирида мингдан ортиқ қишлоқлар мавжуд, уларнинг энг кам миқдори эса Сирдарё вилоятида-284. Республикамизда ўртача ҳар бир қишлоққа 1297 киши тўғри келади. Бу жиҳатдан Наманган (2348) ва Андижон вилоятлари (2853) олдинда туради. Ҳудуди қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун унча қулай бўлмаган Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Бухоро ва Навоий вилоятларида эса қишлоқлар анча кичик (ўртача 640700 киши). Юқоридагиларга мос равишда қишлоқ жойларда меҳнат ресурслари ҳам кўп ва ҳатто улар керагидан ҳам ортиқча. Иш ўринларининг етишмаслиги, ишсизлик, меҳнат бозорининг фаол эмаслиги аҳолиси зич жойлашган воҳа ва водийларда ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Айнан шунинг учун ҳам Республикада қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга, қишлоқ саноати ва инфраструктурасини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Ушбу долзарб масала давлатнинг минтақавий сиёсатида ўз ечимини топмоғи лозим.

Ўзбекистон аҳолиси асосан табиий кўпайиш натижасида ошиб боради. Бу омилнинг роли ҳамма вақт ҳам юқори бўлган. Энг сўнгги йилларда эса у аҳоли сони ўсишининг бирдан бир манбаи бўлиб келмоқда. Бироқ, таъкидлаш жоизки, 90-йилларда аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнида жиддий ўзгаришлар юз берди; энди Республикамизни анъанавий ҳолатда туғилиш ёки табиий кўпайиш юқори мамлакат сифатида таърифлаш унча тўғри эмас. Бунинг учун қуйидаги рақамларга мурожаат қилиш кифоя (1000 киши аҳолига нисбатан). Юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, туғилиш коэффициентининг кескин қисқариши энг сўнгги йилларга тўғри келади. Масалан, туғилиш 1990 йилда 33,7 промиллега тенг бўлган ҳолда 1999 йилда у бирданга 22,3 промеллега тушиб қолган, яъни бу қисқа даврда мазкур кўрсаткич 11,4 пунктга, ёки 1,5 мартага камайган. Ўлим даражасида кескин ўзгаришлар бўлмаганлиги сабабли аҳолининг табиий кўпайиши асосан унинг туғилиш кўрсаткичларига боғлиқ.

Ўзбекистон шароитида кичик шаҳарчаларнинг кўпчилигида реал демографик вазият оддий қишлоқлардаги ҳолатга ўхшаб кетади. Аммо, шу билан бирга таъкидлаш лозимки, баъзи бир юқори даражада саноатлашган шаҳарларда 2000 йилда Республикада туғилиш 21,5 ва 2001 йилда 20,5 промиллега тенг бўлган туғилиш даражаси анча паст. Чунончи, 2000 йил маълумотларига кўра, туғилиш ҳар 1000 аҳолига Чирчиқда 12,5, Янгиободда 12,8, Когонда 13,9 киши. Ҳатто типик шарқона шаҳарларимизда ҳам (Самарқанд, Бухоро, Қўқон ва б.) мазкур кўрсаткич 14-15 промеллега тенг. Натижада аҳолининг табиий кўпайиши анча кам Чирчиқ ёки Янгиободда у 5 промеллега ҳам етмайди. Албатта, бундай демографик вазият Республикамиз учун унча анъанавий эмас. Бу ўз

навбатида демографик жараёнларда ҳам ўзига хос ўтиш даври кечишидан далолат беради. Табиийки, бу жараёнлар яқин келажакда меҳнат ресурсларининг шаклланишига, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга ўз таъсирини кўрсатиши мумкин.

Вилоятлар бўйича туғилиш ва табиий кўпайишнинг нисбатан юқори кўрсаткичлари Қашқадарё ва Сурхондарёда, уларнинг паст даражаси эса Тошкент ва Навоий вилоятларида кузатилади. Бу икки вилоятда табиий кўпайиш 14,0-14,5 промеллени ташкил этади. Ўлим кўрсаткичларида унча катта тафовут йўқ, унинг энг кам миқдори туғилиш анча юқори бўлган Қашқадарё вилоятида бўлиб, бундай нисбат мазкур ҳудудда аҳоли сонининг тезроқ ортиб боришига олиб келади. Республика аҳолисининг кўпайишида ташқи миграциянинг ҳам роли бор. Аммо бу омилнинг ижобий таъсири кўпроқ аввалги йилларга тўғри келган. 70- 80-йиллар охиридан бошлаб ушбу жараён Ўзбекистон учун манфий натижага эга бўлган. Кўриниб турибдики, келтирилган йилларда Республиканинг ташқи миграция алоқалари доимо манфий оқибатларга эга, яъни эмиграция имиграциядан анча кўп бўлган. Бу асосан бир вақтлар Ўзбекистонга кўчиб келганларнинг яна ўз ватанига қайтиб кетишлари натижасида юз берган. Чизмадан яна шу аён бўладики, келувчилар сони мунтазам равишда камайиб борган, кетувчилар миқдорида эса аниқ, бир йўналишдаги жараён унча сезилмайди. Масалан, Республикамиздан ташқарига кетганларнинг энг кўп миқдори 1990 йилда кузатилади. Бироқ, шу йили келганлар сони ҳам нисбатан кўп бўлган. Бунинг натижасида миграция қолдиғи (сальдоси) 121 минг кишини ташкил қилган. 1994 йилда кетганлар сони аввалги йилларга қараганда унча кўп бўлмасада, аммо келганлар жуда озчиликни ташкил қилган (мос равишда 179 ва 38 минг киши), оқибатда миграция қолдиғи кўрилатган даврда энг юқори бўлган (-141 минг киши). Л.П.Максакова ва О.Б.Отамирзаев маълумотларига қараганда, 1991-1997 йилларда Республика шаҳар жойлари бўйича неттомиграция, яъни соф салбий миграция қолдиғи рус миллатига мансуб бўлганларда 302 минг, татарларда 95, яҳудийларда 50, украинларда 28, немисларда 20 минг кишини ташкил этади. Кетувчиларнинг асосий қисми Россия Федерациясига тўғри келади. Шунингдек, Ўзбекистон Украина ва Қозоғистон давлатлари билан ҳам бўлган аҳоли алоқаларида анча кўп манфий миграция қолдиғига эга, унинг мусбат натижаси эса асосан қўшни Тожикистон ҳисобидан юзага келади. Яқин йилларгача бундай натижа Қирғизистон билан ҳам кузатилган эди, аммо энг сўнгги йилларда бу Республика билан ҳам аҳолининг келди-кеттиси биз учун манфий тус олган.

Қайд этиш лозимки, ташқи миграцияда кўпроқ шаҳар аҳолиси қатнашади. Бинобарин, миграциянинг салбий оқибати ҳам айнан шаҳарларда ва, энг аввало русийзабон халқлар кўпроқ жойлашган саноат марказларида кузатилади. Шунинг натижасида, жумладан, Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен каби шаҳарларда аҳоли сони 1991 йилга қараганда камайган. Қолаверса, Тошкент шаҳрида ҳам аҳоли сони охириги ўн йилликда деярли ўсмаган. Ташқи миграциядаги вазият шаҳар жойлардаги меҳнат ресурсларининг миқдор ва сифат жиҳатларига ўз таъсирини кўрсатади. Чунончи, миграцияда асосан катта ёшдагилар ва малакали ишчи кадрларнинг қатнашганлари сабабли меҳнат ресурсларидан фойдаланишда муваққат муаммолар вужудга келиши мумкин.

Аҳолининг табиий ва механик ҳаракатидаги ўзгаришлар унинг миллий, жинс ва ёш таркибига ҳам таъсир кўрсатади. Ўзбекистон кўп миллатли мамлакат, бу ерда 100 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тенг ҳуқуқли бўлиб яшайдилар. 1989 йил аҳоли рўйхатида мувофиқ, ўзбеклар жами аҳолининг 71,4 фоизини ташкил этади. 90-йилларда бир вақтлар кўчиб келган бошқа миллат вакилларининг рэмиграция қилиши туфайли ўзбекларнинг улуши ҳозирги кунда янада кўпайган. Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари кўн миллатли. Нисбатан саноатлашган вилоят ва шаҳарларда маҳаллий халқлардан ташқари бошқа миллат вакиллари ҳам кўп (Тошкент, Навоий вилоятлари, Тошкент, Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ, Зарафшон, Фарғона ва бошқа шаҳарлар). Шу билан бирга Хоразм вилояти аҳолиси асосан бир миллатли-деярли 95 фоиз аҳоли ўзбеклардан иборат. Ўзбекларнинг ҳиссаси Тошкент шаҳри ва вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида камроқ.

Ўзбекистонда тахминан 450 минг қорақалпоқ миллати мавжуд. Уларнинг аксарияти (95 фоиз) Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган. Республикада қадимдан тожиклар ҳам жуда кўп (1 млн га яқинга). Улар асосан Самарқанд, Наманган, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида жойлашган. Тожиклар шунингдек, қисман Тошкент, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида ҳам яшайди. Қозоқлар кўпроқ Қорақалпоғистонда, Навоий ва Тошкент вилоятларида, қирғизлар – Жиззах, Тошкент ва Андижон вилоятларида, туркманлар – Сурхондарё ва Қашқадарё ҳамда Қорақалпоғистонда жойлашган. Булардан ташқари, Республикамизда украин, татар, корейқ, бошқирд, арман, озарбажон ва бошқа миллат вакиллари ҳам бор. Уларнинг кўпчилиги шаҳар жойларига тўғри келади.

Аҳолининг жинсий таркиби тенглашиб бормоқда. Масалан, 2000 йил маълумотларига кўра, жами аҳоли таркибига эркеклар 12,2 млн., аёллар – 12,3 млн.; шаҳарликлар орасида аёллар кўпроқ (50,7 фоиз), қишлоқларда эса жинслар ўртасидаги фарқ деярли сезилмайди: эркеклар 49,9 ва аёллар – 50,1 фоиз.

Ўзбекистонда туғилишга нисбатан юқорилиги сабабли аўоли таркибида ёшлар улуши катта. Республика аҳолисининг тахминан 30 фоизини 9 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Шунинг учун давлатнинг ижтимоий сиёсатида соғлом авлод тарбиясига, ёшларга катта аҳамият берилмоқда. 2001 йил эса – «Она ва болалар йили» деб эълон қилинган.

Аҳолининг социал таркиби ва меҳнат ресурслари. Республикада меҳнат ресурсларининг (ёки иқтисодий фаол аҳолининг) сони кўп, бироқ уларнинг жами аҳоли таркибидаги улуши оз. Бунинг сабаби туғилиш ва табиий кўпайишнинг юқорилигидадир. Натижада «демографик юк» ёки меҳнатга лаёқатли аҳоли билан меҳнатга лаёқатсизлар нисбати қизига хос. Масалан, агар Балтика давлатларида оилада 3 кишидан 2 киши ишласа, бизда, аксинча 6 кишидан 2 ёки 3 киши ишлаши мумкин.

Расмий маълумотларга қараганда, 1.07.2001 йилда Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатлилар 12,6 млн. ёки жами аҳолининг 47,4 фоизини ташкил қилади. Шундан 9,1 млн. киши (72,4 фоиз) иш билан банд, расман «ишсиз» сифатида меҳнат биржаларида қайд этилганлар эса 37,5 минг ёки атига 0,4 фоизга тенг. Албатта, бу рақам унча аниқ эмас, чунки, биринчидан, ҳозирча барча иш қидирувчилар ҳам, айниқса қишлоқ жойларда меҳнат биржасига мурожаат қилмайдилар, иккинчидан меҳнат статистикаси ва меҳнат бозори унча такомиллишмаган.

Шу боис, меҳнат ресурсларининг ҳақиқий бандлик даражаси анча паст. Бундан ташқари, бизнинг шароитимизда «яширин ишсизлар» билан бирга мавжуд меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳолати иқтисодий жиҳатдан юқори эмас (қишлоқ жойларда меҳнат ресурслари йил давомида иш билан таъминланмаган).

Иқтисодий фаол аҳолининг умумий сони, 2001 йил маълумотлари бўйича, 9,2 млн. киши ёки бу мамлакат аҳолисининг 37,1 фоизини ташкил этади.

Аҳолининг бандлик даражаси номоддий соҳаларда (айниқса соғлиқни сақлашда) тезроқ ортиб бормоқда. Моддий тармоқлар ичида бу жараён қурилиш ва транспортда кўпроқ. Барча банд аҳолининг 3/5 қисмидан кўпроғи нодавлат секторига тўғри келади.

2001 йилда меҳнат ташкилотларига 463 минг кишидан зиёдроқ аҳоли иш сўраб мурожаат қилган. Уларнинг ярмидан кўпроғи 1630 ёшдагилар, деярли 2/3 қисмини умумий ўрта маълумотга эга бўлганлар ташкил қилади. Шу йилда барча иш сўраб мурожаат қилганларнинг 68,7 фоизини талаби қондирилган.

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари бўйича, республикада расман «ишсиз» мақомида 7,5 минг киши қайд қилинган. Бу жами иқтисодий фаол аҳолининг 0,4 фоизига тенг ёки 2000 йил даражасида қолган.

Кейинги йилларда мамлакатда янги иш ўринларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, биргина 2001 йилда 465,3 минг кишилик иш ўринлари ташкил этилган. Уларнинг асосий қисми қишлоқ жойларга тўғри келади. Бу борада айниқса Фарғона, Самарқанд ва Наманган вилоятларида ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Умуман олганда эса меҳнат ресурсларидан тўла ва самарали фойдаланиш муҳим муаммо

ҳисобланади. Бу муаммо энг аввало давлатнинг «Банддик» дастури доирасида ҳал этилиб борилади. Қуйидаги жадвадда келтирилган маълумот айна вақтда республикаимиз минтақаларида макроиқтисодиёт тизимининг таркиби ҳақида ҳам тегишли хулосалар беради. Кўриниб турибдики, саноатда банд бўлган аҳолининг улуши Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳамда Фарғона ва Наманганда юқориқ, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро ва Жиззахда эса у анча паст. Бироқ, худди шу вилоятларда қишлоқ хўжалигининг мавқеи кучлироқ. Демак, улар асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган ва, бинобарин, бу вилоятларда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги яхши эмас. Ўзбекистон Ўрта Осиё давлатлари орасида иқтисодий тараққиёт учун зарур бўлган имкониятлар мавжудлиги жиҳатидан ажралиб туради. Энг аввало табиий-географик шароитнинг қулайлиги, заминимизда Менделеев даврий жадвалининг деярли барча элементларининг топилганлиги, серунум ерларимиз борлиги ва айниқса халқимизнинг меҳнатсеварлиги миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривож топишига олиб келди.

Республикаимиз иқтисодиёти ўзининг маълум тарихига эга. Собиқ СССР мавжудлигида ҳаётнинг барча жабҳалари, шу жумладан иқтисодий ҳаёт марказ томонидан «тартибга» солиниб турилар эди. Хоҳ катта, хоҳ кичик масалалар бўл- масин марказ аралашувисиз бажарилиши мушкул эди. Республика долзарб бўлган муаммо-масалаларни ўз эрки билан ҳал этигаи ҳуқуқидан маҳрум эди. Қатор асосий бойликларимиз, жумладан олтин, пахта кабиларнинг тақдири марказ ихтиёрида бўлган. Ўша даврларда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида номуносиблик вужудга келди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришиши туфайли юқорида айтиб ўтитилган камчилик-нуқсонларни тугатиш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди, топталган ҳуқуқлар аста-секин ўзининг муносиб ўрнини ола бошлади. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, шу жумладан иқтисодиётда катта ижобий ўзгаришлар рўй берди.

Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни турли мамлакатларда умумий қонуниятлар негизида рўй беради ва аста-секин ривожланиб боради. Шу билан бирга бундай мамлакатларнинг ҳар бири бу борада ўзига хос айрим хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар хўжалик таркиби ва йўналиши, мамлакатнинг географик ўрни, табиий-иқлим шароитлари, мавжуд табиий бойликлари, миллий урф-одатлар, аҳоли анъаналари билан белгиланади. Айтиб ўтилган ана шу омиллар эътиборга олиниб Республикаимизда бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос модели шакллантирилган. Ушбу моделнинг энг асосий томонлари мамлакатимиз Президенти асарлари ва фармонларида, давлат томонидан қабул қилинган қонунлар, ҳукумат қарорларида ўз аксини топган.

И.Каримов томонидан суверен давлат тузиш борасида олға сурилган беш тамойил ўз моҳиятига кўра катта урин тутади. Бу тамойиллар иқтисодиётнинг сиёсатдан устувор зарурий бўғини бўлиб хизмат қилади. Унинг ривожини туфайли ҳудудларни иқтисодий жиҳатдан ихтисослаштириш мумкин. Транспорт инфраструктураси ва йўл тармоқларининг самарали ривожланиши кадрларнинг қишлоқларда мустахкам ўрнашиб қолишига, меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш имконини яратади.

Республика геосиёсий мавқеини яхшилаш ҳам энг аввало транспорт тўри ва коммуникацияларга боғлиқ. Бу ҳақда И.Каримов «Коммуникациялар тизими ҳақида гапирганда Ўзбекистон географик мавқеининг ўзига хослиги, портларга ва энг катта транспорт узелларига чиқиш йўлининг йўқлиги туфайли транспорт тармоқлари ва коммуникацияларни ривожлантириш масалалари устувор, стратегик, ҳаётий муҳим аҳамият касб этишини таъминламоқ даркор», деган эди.

Мамлакат транспорт тармоғи темир йўл, автомобил, авиақия, қувурлар ва дарё сув йўлларида иборат. Транспортнинг барча турлари ёрдамида Республикада ҳар йили халқ хўжалиги учун зарур бўладиган турли-туман юклар ва йўловчилар ташилади.

Ўзбекистонда мавжуд бўлган транспорт турлари орасида етакчи ва муҳим ўринни темир йўллар эгаллайди. Мамлакатда таншладиган юкларнинг 66 фоизига яқини транспортнинг ана шу тармоғи зиммасига тушади ва бу транспорт мамлакат транспорт тизимининг негизини ташкил этади. Экспорт ва импорт қилинадиган юкларнинг қарийб

80 фоизи ҳам темир йўл транспорти орқали амалга оширилади. Ушбу йўл ёрдамида 1999 йил ташилган йўловчилар сони 13,3 миллион кишини ташкил этган. Иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган ва бозор муносабатларига ўтилаётган ҳозирги мураккаб шароитда ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ва мамлакат ҳудудларининг самара билан ишлаши кўп жиҳатдан темир йўлларнинг қай даражада фаолият кўрсатишга бевосита боғлиқ. Юкларнинг темир йўллар ёрдамида ва иложи борича арзон ташилиши иқтисодиёт тараққиётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Яна шуниси муҳимки, темир йўлларда юк ташишнинг таннархи автомобилларда юк ташишга нисбатан 3-5 марта, ҳаво транспортига қараганда эса 12-15 марта арзон тушади.

Мазкур транспорт тўрида меҳнат харажатлари ҳам автомобил ва ҳаво транспортига кўра анча кам. Темир йўл транспортининг бошқа транспорт турларига нисбатан яна бир афзаллиги шундан иборатки, бу транспорт атроф муҳитга кам зарар етказди, унинг юк ва йўловчилар гашиш қобилияти жуда юқори бўлиб, об-ҳаво инжиқликлари билан деярли боғлиқ эмас ва мунтазам равишда ҳаракатда бўлади. Бу билан у автомобил ва айниқса ҳаво транспортдан катта фарқ қилади. Ўзбекистонда темир йўллар қуриш ўзининг маълум тарихига эга. Мамлакат ҳудудида биринчи темир йўл 1888 йилда Фароб станқиясидан Самарқанд шаҳригача қурилган бўлиб, у Туркманбоши (собик Красноводск шаҳри) Чоржуй темир йўл тармоғининг давоми эди. Унинг қурилиши кейинчалик давом эттирилиб, 1899 йили Андижон ва Тошкент шаҳригача етказилган эди.

Иккинчи жаҳон урушигача бўман даврда ҳам мамлакат ҳудудида қатор темир йўл тармоқлари қурилган. Уларга ФарғонаҚувасой, Асака -Шаҳрихон, Қорасув-Ўш, Учкўрғон -Тошкўмир, Андижон-Тентаксой қабилар қиради. Ўрта Осиёнинг, шу жумладан, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида 30-йилларда қурилган, узунлиги 1400 км дан зиёд бўлган Турксиб (ТуркистонСибир) темир йўл магистралининг бунёд этилиши ўз даврида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Иккинчи жаҳон урушининг оғир йилларида темир йўллар қурилиши ва ишга туширилиши муҳим ишларни бажариш имкониятини берди. Душман эгаллаб олган жойлардан ўнлаб саноат корхоналарини Республикамизга кўчириб келиниши, урушга жалб қилинганларни қурол-яроғлар, турли озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва бошқа юкларни фронтга етказишда темир йўл транспорти катта хизмат қилди. Ана шу даврда темир йўл тармоқларини бевосита саноат корхоналарига яқинлаштириш муҳим эди. Масалан, йирик Ангрэн кўмири ҳавзасига темир йўл тармоғи ўтказилди, Чирчиқ шаҳридаги ўз даври учун улкан бўлган ва кейинчалик йирик кимё корхонасига айланган электрокимё комбинатига йўллар қурилди.

Уруш тугаб тинч давр бошланган йилларда мамлакатнинг мавжуд темир йўлларини қайтадан тиклаш ва янги темир йўл тармоқларини қуриш, зарур техника билан таъминлаш эвазига транспортнинг бу тури ривожланди. Чунончи, урушдан кейинги йилларда Мирзачўл, Қарпга чўли, Амударёнинг қуйи қисмида кўриқ ерларни ўзлаштириш бўйича катта ишлар олиб борилди. Узунлиги 410 км бўлган Қўнғирот-Бейнов темир йўл тармоғининг ишга туширилиши Ўрта Осиё иқтисодий минтақасидан Қозоғистонга, собик СССРнинг Европа қисмига, Кавказ ҳудудларига иккинчи йўл орқали чиқиш имконини яратди. Юк ва йўловчиларни узоқ айланма йўллар орқали ташишга барҳам бериш трансюрт харажатларини камайтиришга ижобий таъсир кўрсатди. Шу билан бирга, Қўнғирот-Бейнов темир йўл тармоғи Амударёнинг қуйи қисми табиий ресурсларини ўзлаштиришга ва мазкур минтақанинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланишига имкон яратди. Мамлакат темир йўлларининг умумий узунлиги 20-йиллар бошида 15 — 89 км ни ташкил этган бўлса, ҳозирга келиб у 6700 км га етди. Шу жумладан, электрлаштирилган темир йўллар узунлиги 587 км ни ёки умумий темир йўл узунлигининг 16,1 фоизини ташкил этади. Темир йўллар узунлиги борасида анча ишлар қилинган бўлсада, ҳали мамлакатимизда бу тизим талаб даражасида эмас. Масалан, Ўзбекистон темир йўл зичлиги бўйича нафақат «узоқ» хориж мамлакатларидан, балки Украина, Белоруссия, Болтикбўйи давлатларидан ҳам орқада туради.

Самарқанд, Сирдарё, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари темир йўл тармоқлари билан бироз яхши таъминланган. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Сурхондарё вилоятлари эса бу борада анча орақада. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати 1995 йил август ойида Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлини қуриш тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу йўл мамлакатимизнинг жанубий ҳудудлари-Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари табиий бойликлари ҳамда мавжуд бошқа имкониятлардан унумли ва самарали фойдаланиш имконини беради, мазкур ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолининг иш билан бандлик даражасини кўтариш имконини ҳам яратади. Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли Сурхондарё вилоятидаги Сариосиё станциясидан Қашқадарёдаги Қарши станциясигача бўлган масофани қарийб икки мартага қисқартиради.

Республиканинг хорижга, жумладан, мамлакатимиз жанубидаги давлатларга чиқишида Машҳад-Серахс-Тажан гомир йўлининг қурилиши муҳим воқеа бўлди. 1996 йил 13 майда Эрон Ислом Республикасининг Машҳад шаҳрида узунлиги салкам 300 км бўлган бу темир йўл тармоғининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу йўл энг қисқа масофа орқали Марказий Осиё мамлакатларини Форс қўлтиғи билан боғлайди ва ташқи савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга кенг имкониятлар очиб беради.

2001 йилда темир йўл тармоғида яна бир муҳим воқеа юз берди. Узунлиги 500 км бўладиган Учқудуқ-Султонувайс-Нукус темир йўлининг бир қисми ишга туширилди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, темир йўл транспорти жаҳондаги барча мамлакатлар иқтисодиётининг муҳим алоқа воситаси бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимиз учун эса унинг ахамияти яна ҳам катта. Чунки, Республика четга чиқиш учун зарур бўладиган сув йўлларида олис бўлганлиги учун темир йўл транспорти мамлакатни жаҳон мамлакатлари билан боғлаб турувчи асосий воситадир. Айни вақтда темир йўл транспорти доирасида мавжуд бўлган муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш йўллари топа билиш муҳим ахамиятга эга. Шунинг учун олиб 2000 йил бошида темир йўл транспортини монополиядан чиқариш масалаларига бағишланган кенгаш ўтказилди. Темир йўл транспортининг бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, тармоқда бозор ислохотларини чуқурлаштириш мақсадида И.Каримов 2001 йил 2 мартда «Темир йўл транспортини монополиядан чиқариш ва акциялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди. Ушбу Фармон Республикада темир йўл транспорти самарадорлигини оширишга олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида транспорт тизимининг яна бир муҳим қисми бўлган автомобил транспорти ва автомобил йўллари ҳам катта ўрин тутади. Миллий иқтисодиётнинг автомобил транспортидан фойдаланмайдиган бирорта соҳаси йўқ. Қисқа масофаларга юк ва йўловчиларни ташиш, замонавий транспортнинг бошқа хиллари мавжуд бўлмаган манзилгоҳларда аҳоли ва ташкилотларга хизмат кўрсатишда, айниқса транспорт учун ноқулай бўлган тоғли жойларда автомобил транспортининг ахамияти бекиёсдир.

Ўзбекистон ҳудудида автомобил йўллари тармоғи анча кенг. Ҳар 1000 км² майдонга автомобил йўллари зичлиги 210 км га етади. Қатор автомобил йўллари халқаро ва давлат ахамиятига эга. Ҳозирги кунда автомобил йўллари умумий узунлиги 90 минг км дан ортиқ. Мамлакатимиз ҳаётида катта ахамиятга эга бўлган автомобил йўллари жумласига, энг аввало Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва бошқа вилоятлар орқали ўтган Катта Ўзбек автомобил тракти киради. 1940 йили қуриб битказилган ва 700 км дан ортиқ узунликка эга бўлган ушбу равон йўл қанчадан-қанча юк ва йўловчилар ташишга ва ҳудудлар орасида транспорт хизмати кўрсатишни яхшилашга олиб келди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланишидан оддин Фарғона водийсидаги уч вилоят ва қатор шаҳарларни, жумладан Кўкон, Марғилон, Асака, Андижон, Наманган, Чуст шаҳарларини боғлаб турувчи айланма йўл қайта қурилди. Шунингдек, Тошкент-Ўш, Самарқанд-Ашхобод-Туркманбоши, Тошкент халқа йўли, Нукус-Ғузор, Қўнғирот-Бейнов каби яна қатор автомобил йўллари ҳам Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида катта ахамият касб этади. Кейинги йилларда қўшни Тожикистонда вужудга келган вазият

сабабли мамлакатимизнинг марказий ва ғарбий қисмларидаги ҳудудларини Фарғона водийси вилоятлари билан алоқасини боғлашда анча муаммолар юзага келди. Шунинг эътиборга олиб Республика ҳукумати (Тошкент-Ўш йўлининг Ангрен сув омборидан Фарғона водийсига кириб) боргунча қисмини қайта қуриш бўйича махсус қарор қабул қилди. Бу мақсадни қўзлаб Қамчиқ ва Резак доволарида автомобил транспорти ҳаракати учун мўлжалланган тоннеллар қуриш борасида катта ишлар ботлаб юборилди ва бу ишлар муваффақият билан амалга оширилди.

Қамчиқ тоннелининг узунлиги 890, Резак тоннелининг узунлиги эса 368 метрга тенг бўлди. Бу тоннелларнинг ишга туширилиши туфайли Қамчиқ доволари орқали амалга оширилаётган автомобил транспорти алоқаларида авваллари тез-тез учраб турадиган хавф-хатарга чек қўйилди. Қамчиқ ва Резак тоннелларидан бир кеча-кундузда 12 мингга яқин автомобиллар ўтиш имконига эга. Шундай қилиб мазкур йўл Фарғона водийсини Республиканинг бошқа ҳудудлари билан боғлаб турадиган энг яқин ва қулай йўл бўлиб қолди. Мустақилликка эришиш туфайли республикамизни халқаро автомобил йўллари билан боғлайдиган йўллар қуриш ишларига ҳам эътибор кучайди. Жумладан, Хитой Халқ Республикасига чиқиш учун имкон туғдирадиган Андижон-Ўш-Эргаштом-Қашқар автомобил йўлининг қурилишига Ўзбекистон ўз ҳиссасини қўшмоқда. Кўпгина мамлакатларда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам халқаро йўналишларда юкларни автомобилларда ташиш бўйича Ўюшма ташкил этилган. Женева шаҳрида автомобил транспорти Халқаро уюшмаси конгрессида Ўзбекистон ҳам бу нуфузли ташкилотга аъзо бўлиб кирди. Ушбу уюшма Республикамиз ҳудудида бошқа мамлакатлар юк ташувчиларининг манфаатларини муҳофаза қилади ва автомобил йўллари ҳолати, ёқилғи нархи, йўл учун тўлов баҳоси ва бошқа масалалар бўйича зарур маълумотлар билан хабардор этиб туради. 1926 йили Республикада мунтазам автобус қатнови йўлга қўйилган эди. Шундан бери ўтган давр ичида йўловчилар ташувчи автобуслар сон ва сифат жиҳатидан тез ривожланди. Транспортнинг бу хили орқали йўловчилар ташиш 1940 йилдагига нисбатан қарийб 250 мартадан зиёд ортди. Мамлакатда турли ҳажмда юк кўтарилган янги юк ташувчи автомобиллар, қулай ва шинам автобуслар ҳамда енгил автомобиллар сони йил сайин ошиб бормоқда. Ўзбекистоннинг қатор шаҳарларида трамвай ва троллейбуслар қатнови йўлга қўйилган. Республика пойтахти Тошкент шаҳрида 1977 йили метро қурилиб ишга туширилди. Аҳолиси икки миллиондан зиёд шаҳар учун ушбу транспортнинг бу воситаси моҳиятини тўла ифодалаш қийин.

Ҳозирча Тошкентда метронинг уч йўналиши мавжуд: биринчиси Собир Раҳимов - Буюк Ипак йўли, иккинчиси Беруний Чкалов йўналиши, учинчиси Юнусобод тумани билан Жанубий вокзал орасидаги йўналишдир. Кейинчалик Жанубий вокзалдан Сирғали тумани орасида метронинг тўртинчи йўналишини қуриш ва ундан кейин эса Тошкент халқа йўлини вужудга келтириш мўлжалланмоқда. Мустақил Республика транспорти ҳақида сўз юритилганда ҳаво транспортининг моҳияти тобора ортиб бораётганини ҳам кўрсатиб ўтиш лозим. Транспортнинг бу хили ўз ишини биринчи марта 1924 йили бошлаган эди. Ўша йилнинг 12 май куни Тошкент-Бишкек-Олмаота шаҳарлари орасида ҳаво транспорти алоқаси йўлга қўйилган эди. Ана шундан бери ўтган давр ичида транспортнинг бу хили тез ривожланиб кетди. Ҳозир ҳаво транспортини орқали асосан йўловчилар ташилади. ТТҲ билан бирга бир манзилдан иккинчи бир манзилга тез етказиш зарур бўлган юкларни, айниқса тез бузиладиган юкларни ҳам ташишда ҳаво транспортдан фойдаланилади.

1993 йили «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ташкил топиши ҳаво йўли транспорти тараққиёти соҳасида қўйилган муҳим қадам бўлди. Бу компания хизмати туфайли Тошкентдан Нью-Йорк, Лондон, Токио, Пекин, Париж, Истамбул, Деҳли, Тел-Авив, Сеул, Куала-Лумпур, Жидда, Урумчи каби жаҳоннинг кўпгина шаҳарлари билан ҳаво транспорти қатнови амалга оширилмоқда. Кейинчалик Тошкентдан самолётлар қатнайдиغان манзиллар рўйхати янада кенгайишига шубҳа йўқ.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси билан АҚШнинг «Боинг» компанияси ўртасида имзоланган шартномага кўра 1996 йил август ойидан бошлаб Тошкент билан жаҳоннинг қатор шаҳарлари, жумладан Нью-Йорк, Афина, Жакарта, Сингапур каби шаҳарлар орасида «Боинг» самолётлари учизи йўлга қўйилди. Ўзбекистон ҳудудида йирик табиий газ, нефт конларининг топилиши ва ишга туширилиши сабабли қувур транспорти ривожланди, муҳим аҳамиятга эга бўлган газ қувурлари вужудга келди. Республикада электр тизими ташкил топиши ва ривожланиши транспортнинг янги тури-электр транспортининг вужудга келишини тақозо этди. Ҳозирги вақтда транспортнинг бу тури ёрдамида Ўзбекистон Ўрта Осиё электр тизимига уланган.

Мамлакат транспортида сув транспорти ҳам ўзига муносиб ўрин эгаллаб келган эди. Бироқ, кейинги йилларда Орол денгизида вужудга келган вазият, яъни унинг сувини камайиб кетиши, қирғоқларининг чекиниши туфайли бу денгиздаги транспорт ўз моҳиятини йўқотди. Транспорт тўғрисида сўз юритилганда яна бир масалани эътиборга олмоқ зарур. 1998 йилнинг сентябр ойида Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида Букж Ипак йўлини тиклаш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Анжуман ишида жаҳоннинг 30 дан ортиқ мамлакатларидан вакиллар ва қатор нуфузли халқаро ташкилотлар иштирок этди. Унда мамлакатимиз Президенти И.Каримов иштирок этди ва маъруза қилди. Маълумки, Буюк Ипак йўли орқали бундан 2000 йилдан ортиқроқ муддат олдин Ғарб ва Шарқ мамлакатлари ўртасида савдо-сотиқ алоқалари амалга оширилган эди. Ҳозирги кунга келиб Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш масаласига эътибор кучаймоқда. Қатор мамлакат ва ҳудудлар учун ўта муҳим бўлган бу масала ТРАСЕКА (ЕвропаОсиёКавказ орасидаги транспорт йўли) лойиҳаси асосида амалга оширилиши лозим. Транспорт ҳаракатини яхшилаш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўллар аҳволи яхшиланмоқда, кўприклар ва бошқа иншоотлар қурилмоқда, Масалан, Республика мустақилликка эришганлигининг саккиз йиллиги арафасида Амударёда кўприк қурилди. Умумий узунлиги 1260 метр бўлган ушбу замонавий кўприк Қорақалпоғистоннинг ўрта қисмида, Ўзбекистоннинг азим дарёси Амударёнинг икки қирғоғини бир-бирига улади. Шунингдек, бу йилларда шаҳар транспортига, жумладан Тошкент транспорт йўллари ва воситаларига ҳам катта эътибор берилди. Янги-янги магистрал йўллар, кўприк ва эстакадалар қурилди. Шаҳар жамоат транспорти парки замонавий троллейбус, трамвай ва автобуслар билан таъминланди. Мамлакатда алоқа тармоқлари (почта, телеграф, телефон, радиоэшиттириш, телевидение кабилар) ҳам ривожлаиди. 1927 йил 11 февралда Республикада биринчи мартаба кенг эшиттиришли радиостанция ўз фаолиятини бошлади. 1956 йил 5 ноябрда эса Ўзбекистон телевидениеси ишга туширилди. Ўша йилнинг ўзидаёқ телевидениенинг Тошкентстудияси ташкил топди. Мустақиллик йилларида шаҳар ва қишлоқ аҳолисини телефон билан таъминлашда улкан ишлар амалга оширилди. Республика алоқа тизимини такомиллаштириш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ишларига чет эл сармояларини жалб этиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. 1993 йили Япониянинг «НЭК» корпорацияси иштирокида халқаро космик танқияси фойдаланишга топширилди. Америка Қўшма Штатлари, Жанубий Корея ва Германия фирмалари ёрдамида телефон алоқалари нуқталарини кучайтириш ва уларнинг ишлаш сифатини яхшилаш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Республика телекоммуникацияси хизмат даражасини янги, замон талабига жавоб бериш босқичига кўтариш борасида Жанубий Корея «ДЭУ-телеком» фирмасининг бевосита иштирокида катта ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур компания ёрдамида қатор АТС корхоналари қурилиб ишга туширилди. Ташқи иқтисодий алоқалар. Мустақил Ўзбекистон тобора нафақат жаҳон сиёсати, балки жаҳон иқтисодиётига тез кириб бормоқда ва қатор мамлакатлар билан савдо-сотиқ алоқаларини урнатиш ва ривожлантиришга интилмоқда. Маълумки, ташқи иқтисодий муносабатлар халқаро ҳамкорлигининг энг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади. Зеро, ҳар қандай давлат, қай даражада тараккий этганлигидан қатъий назар, ташқи иқтисодий алоқаларсиз тўлақонли тарзда яшаши мушкул. Чунки, жаҳон миқёсида ишлаб чиқарилаётган буюм-маҳсулотларнинг тури

беҳисоб. Табиийки, бирорта давлат уларнинг ҳаммасини ўзида ишлаб чиқариш имкониятига эга эмас. Айрим ҳолларда эса маҳсулотларнинг баъзи турларини ўзида ишлаб чиқаргандан кўра бошқа мамлакатлардан олиб келиш афзалроқ ва фойдадирокдир.

Ташқи иқтисодий алоқалар халқаро ҳамкорликнинг энг муҳим соҳаларидан биридир. Турли мамлакатлар билан иқтисодий, илмий-техника ва маданият алоқаларининг тобора такомиллашиб бориши, айрим тармоқларни замонавий техника ва технология билан қуролланишга, ер-сув, қазилма бойликлар ва меҳнат ресурсларидан самара билан фойдаланиш имконини яратади. Ҳозирги даврда халқаро меҳнат тақсимотида, ташқи иқтисодий алоқаларни самарали йўлга қўйиш ва кенгайтиришда фаол иштирок этиш учун Республикада катта имкониятлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси билан савдо, иқтисодий алоқалар олиб боровчи мамлакатлар рўйхати тобора кенгайиб бормоқда ва уларнинг сони 140 тадан ортиб кетди. Бундай мамлакатлар қаторига Буюк Британия, АҚШ, Германия, Швейцария, Туркия, Нидерландия, Бельгия, Италия, Франция каби узок хориж давлатлари киради. Мустақил давлатлар ҳамкорлиги таркибидаги мамлакатлар билан олиб бориладиган иқтисодий алоқаларда эса Россия, Қозоғистон ва Украина катта ўрин эгаллайди. Кўп йиллар Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан олиб бориладиган иқтисодий алоқаларида экспорт ҳажмига нисбатан импорт ҳажмининг салмоғи ортиқроқ бўлиб келган бўлса, эндиги кунда бу борада ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Республиканинг ташқи савдо обороти 1999 йили 6246,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Шундан экспорт 3235,8 миллион доллар ва импорт 3110,7 миллион долларни ташкил этди. 2000 йил натижаларига кўра экспорт ҳажми янада ортиди ва бу борадаги ижобий сальдо 317,6 миллион АҚШ долларига тенг бўлди.

Кўп йиллар келтирилган жадвалдан Ўзбекистоннинг кейинги бир неча йил давомида олиб борган ташқи савдоси ҳақида маълумотлар олиш мумкин. Мустақил давлатлар ҳамкорлиги таркибига кирувчи мамлакатлар билан Ўзбекистон орасидаги иқтисодий алоқаларда ҳам экспорт ҳажми импорт ҳажмидан юқори. Масалан, 2000 йилда импорт - 809,9 миллион, экспорт-982,8 миллион долларни ташкил этди. Республика Президенти И.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида шундай деган эди: «Биз энг муҳим бир фикрни чуқур англаб олишимиз зарур. Фақат экспортнинг ўсишигина валюта тушумлари келтиради, фақат шу асосдагина ишлаб чиқаришни, техник жиҳатдан янгилаш масаласини ҳал этиш мумкин». Мамлакат раҳбарининг ушбу сўзлари ташқи иқтисодий муносабатларнинг нақадар муҳимлигидан далолат беради. Яқин-яқинларда ҳам, яъни СССР ҳукмронлиги даврида четга асосан арзимаган пулга хом ашё чиқариб келган Ўзбекистон, эндиликда мустақилликка эришиш туфайли қатор хорижий мамлакатларга хом ашё билан бир қаторда замон талабларига мос тушадиган, рақобатбардош, турли хил электр асбоб-ускуналари, самолётлар, автомобил, телевизор ва видео магнитофонлар, биллур буюмлар, заргарлик маҳсулотлари ва бошқаларни экспорт қилмоқда. Шу билан бирга Республикаимиз чет эллардан саноат ва қисман озиқ-овқат маҳсулотларини олиб турибди. Бу маҳсулотлар орасида турли хил машиналар, асбоб-ускуналар, замонавий станоклар, автобуслар, темир йўл вагонлари, кийим-кечаклар, тамаки маҳсулотлари ва бошқа қатор маҳсулотлар бор.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларида Тошкент шаҳри, Тошкент, Андижон, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари етакчи ўринни эгаллайди. Буни кўп йиллар келтирилган жадвал маълумотларида кўриш мумкин. Ташқи иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама тараққий эттиришнинг муҳим ва самарали йўллари билан бири хорижий мамлакатлар билан қатор соҳаларда қўшма корхоналар қуришдир. Ташқи иқтисодий муносабатларнинг бу йўналиши жаҳоннинг кўп мамлакатларида кенг тарқалган. Қўшма корхоналар ташкил этиш ва уларни самарали тараққий эттириш йўлига солиш ишчи кучлари кўп бўлган давлатлар қаторига кирувчи мамлакатимиз учун алоҳида аҳамият касб этади. Шунга кўра Ўзбекистонда ҳам бу борада катта ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда

қўшма корхоналарни ташкил қилишда жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари иштирок этмоқда. Улар орасида Америка Қўшма Штатлари, Хитой, Жанубий Корея, Буюк Британия, Германия, Бирлашган Араб Амирликлари, Исроил, Покистон, Ҳиндистон, Россия, Украина каби мамлакатлар етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Республикада вужудга келаётган қўшни корхоналар сони йил сайин ортиб бормоқда. 1993 йили бундай корхоналар сони 900 га эди. 1999 йилда эса Ўзбекистонда рўйхатга олинган қўшма корхоналар сони 2,5 мингдан ортиқ, шундан 2000 га яқини ишлаб турибди. Фаолият кўрсатиб турган қўшма корхоналар чиқариб турган маҳсулотлар ҳажми 1999 йили 267 миллиард сўмга яқин бўлди. Бу 1996 йилдагига нисбатан олти баробар, 1998 йилдагига қараганда эса 1,5 марта кўп демакдир.

Ўзбекистонда ташкил этилган қўшма корхоналар 1993 йили 23 миллион АҚШ доллариға тенг бўлган маҳсулот экспорт қилган бўлса, 1999 йилга келиб бу рақам 371,5 миллион долларни ташкил этди. Бу Республика умумий экспортининг 11,5 фоизига тенгдир. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ҳудудида барпо этилган қўшма корхоналар орасида «Ўз ДЭУ авто», «Зарафшон -Ньюмонт», «Қабул -Ўзбек», «Ўзбат», «ДЭУ Текстил компани» кабилар шухрат қозонган. Италиянинг «Альма-Роза» фирмаси билан Ўзбекистон иштирокида 1998 йили ташкил тонган «Совпластитал» қўшма корхонаси ўз фаолияти билан ана шундай корхоналардан биридир. Ниҳоятда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқараётганлиги учун «Совпластитал» Испания пойтахти Мадридда иккинчи марта Халқаро соврин билан тақдирланган. Бу нуфузли мукофот жаҳоннинг 112 мамлақати тадбиркорларини бирлаштирадиган умумжаҳон ташкилоти «Трейд Лидерз Клуб» томонидан таъсис этилган. 2000 йили нометалл қувур ишлаб чиқаришга ихтисослашган Тошкентдаги «Қабас Тапо», Андижон вилоятида чарм маҳсулотлари тайёрлайдиган «Олтин тери» каби қўшма корхоналар ҳам ишга тушди. Келажакда, Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларни янги босқичга кўтаришда халқаро туризм муҳим ўрин тутмоғи лозим. Туризм тармоғи тўғри ва самара билан ташкил этилса, у катта даромад келтирадиган соҳага айланади. Аниқ фойда манбаи бўлмиш халқаро туризм мамлакатга катта миқдорда чет эл валютасини олиб келиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшиши мумкин. Ўзбекистон туризм соҳасини ҳар тамонлама ривожлантириш учун қатор имкониятларга эга. Унинг ўзига хос табиий шароити, архитектура-меъморчиликнинг ноёб ёдгорликлари, меҳнатсевар ва меҳмондўст халқимизнинг яратган маҳсулотлари чет элдан келган сайёҳларни ниҳоятда қизиқтиради.

Республикада халқаро туризмни ривожлантириш бора-сида энг аввало Самарқанд, Бухоро, Хива сингари жаҳонни ҳайратга солаётган, ажойиб тарихий ёдгорликлар сақланаётган қадимги маданият ва меморчиликнинг нодир марказлари катта аҳамиятга эга. Халқаро туризм соҳасини самарали ривожлантириш мақсадида 1992 йил июлида «Ўзбектуризм» Миллий компанияси ташкил этилди. Ҳозирги кунда ушбу компания туризм борасида арзигулик ишларни амалга оширмоқда.

«Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг ташкил топиши ва унинг 1993 йили жаҳон туризм ташкилотига аъзо бўлиши Республикада халқаро туризмнинг тезроқ ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Масалан, 1962 йили узок хориждан мамлакатимизга келган туристлар сони 60 минг киши бўлган бўлса, 2001 йил бошида бу рақам 320 мингдан ортиб кетди. Мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг ўтган қисқа вақт ичида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларимизда замонавий, жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган меҳмонхоналар мажмуи қурилиб ишга туширилди. Мамлакатимизда тўрт мингдан ортиқ тарихий-меморчилик ёдгорликлари, бой маънавий мерос жаҳон диққат-эътиборини ўзига тортмоқда. Айниқса бу борада Буюк Ипак йўлининг тикланиши катта аҳамиятга эга. Ана шундан келиб чиқиб Республика Президенти «Буюк Ипак йўлини тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини фаол-лаштириш ва мамлакатда халқаро туризмни ривожлантириш бўйича «Ўзбекистонда туризмни 2005 йилгача ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди. Вазирлар Маҳкамаси эса «Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг

замонавий инфраструктурасини яратиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди. Ушбу расмий ҳужжатларда халқаро туризм фаолиятини ҳар томонлама яхшилашга қаратилган энг муҳим масалалар ўз аксини топган.

Иқтисодий ривожланиши. Ўтмишда суғорма деҳқончилик, яйлов чорвачилиги ва хилма-хил ҳунармандчиликка асосланган Ўзбекистон иқтисодиёти дунё бозорларида кўп турдаги қимматли маҳсулотлари билан қатнашиб келди. У бир замонлар «Буюк ипак йўли» бўйидаги энг гавжум бозорлар мамлакати бўлган. XVIII аср бошларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида сиёсий устунлик учун доимо кураш олиб борган, Бухоро амирлиги, Хоразм ва Қўқон хонликлари иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий-маънавий ҳаёт соҳасида ўз даврининг илғор мамлакатларидан тобора орқада қола бошлади. Ана шундай мураккаб сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазиятни бошидан кечириб турган Ўзбекистонни XIX аср иккинчи ярмида чор Россия босиб олди ва ўзининг тўқимачилик саноати учун хом ашё базасига айлантиришга ҳаракат қилди. Собиқ совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданоқ эса пахтачиликни янада тез тараккий эттириш ва пахтачилик мажмуини вужудга келтиришдан иборат бўлди. Натижада, республика иқтисодиёти қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш доирасида ўралашиб қолди. Буни статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. 1989 йилда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган миллий даромаднинг 35,4% ни қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келгани ҳолда, бу кўрсаткич собиқ СССР бўйича 22,8%ни ташкил этди. Энг характерли томони шундаки, республикада миллий даромадни яратишда қишлоқ хўжалигининг ҳиссаси саноатга нисбатан 1,9% ортиқ бўлди. Бунга қўшимча қилиб, Ўзбекистон халқ хўжалигининг номутаносиб таркиби, унинг ҳудудий жойланишидаги ўта нотекисликларни ҳам кўрсатиш мумкин. Демак, Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти эришган ютуқларни қанчалик қайд қилмайлик, мустақил Ўзбекистон олдида яқин орада унинг иқтисодиётининг чиннакамига соғломлаштириш, ишлаб чиқарувчи кучларини ҳудудлараро жойлаштиришда мақбул мутаносибликка эришиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш бўйича улкан вазифалар турибди. Ўрта Осиё давлатлари ва қўшни Қозоғистон орасида Ўзбекистон йирик иқтисодий имкониятга эга бўлиб, ҳам саноат, ҳам қишлоқ хўжалиги таракқиёт даражаси кўрсаткичларига кўра ажралиб туради. Мамлакатимиз иқтисодиётида қатор саноат тармоқлари вужудга келган ва улар ривожланишда давом этмоқда. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва биринчи навбатда, пахтачилик катта ўрин тутди. Республиканинг табиий шароити ва аҳолининг анъанавий кўникмалари пиллачилик, чорвачилик, узумчилик, хилма-хил хўл мевалар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етказишга ижобий таъсир кўрсатади. Саноат тармоқларида ҳам, қишлоқ хўжалик тармоқларида ҳам муҳим фан-техника потенциали вужудга келтирилган. Ҳозир Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаётида муҳим ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Бозор иқтисодиёти турли мамлакатларда умумий қонуниятлар асосида ривож топади, шу билан бирга у мамлакатларнинг ҳар бири бу борада ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар хўжалик таркиби ва йўналиши, давлатнинг географик ўрни, табиий-иқлим шароитлари, мамлакатга хос бўлган миллий урф-одатлар, аҳолининг кўп йиллик анъаналари билан белгиланади. Шу айтиб ўтилганларни эътиборга олиниб, Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос модели шакллантирилган. Республика томонидан танланган моделнинг асосий тамойиллари мамлакатимиз Президенти асарларида, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган Қонунлар, ҳукумат қарорларида ўз аксини топган. И.Каримов томонидан суверен давлат тузиш борасида олға сурилган бешта тамойиллар, айниқса муҳим аҳамият касб этади. Бу тамойиллар мамлакатимиздагина эмас, балки бошқа кўпчилик мамлакатларда ҳам тан олинган. Бу тамойиллар қуйидагилардир: иқтисодиётнинг сийсатдан устиворлиги, давлат бош ислоҳотчи бўлиши, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида қонун устивор бўлмоқлиги, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш зарурлиги, бозор иқтисодиётига тадрижий йўл билан, яъни босқичма-босқич ўтилиши зарурлигидир. Мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларининг таракқиёт негизида худди шу тамойиллар ётади.

